

## Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича

### УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Мазкур услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги [ПФ-5468-сонли](#) Фармонига ҳамда солиқ соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.


### Қўшилган қиймат солиғини кимлар тўлайди

<b>Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари</b> (СК, 197-модда)	<ul style="list-style-type: none"><li>● Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар</li><li>● Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан иш ва хизматларни олувчи юридик шахслар</li><li>● Товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар</li><li>● Ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар (ихтиёрий асосда)</li><li>● Оддий ширкат шартномаси бўйича ишларни юритиш зиммасига юклатилган юридик шахс</li><li>● Қурилиш ташкилотлари – молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича</li></ul>
<b>ПФ-5468 сонли Фармонга асосан</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>● 2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича ёки жорий йил давомида реализация қилиш обороти белгиланган 1 млрд сўм чегаравий миқдордан ошган юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтадилар.</li></ul>



Унутманг, йил давомида реализация қилиш бўйича оборотингиз 1 млрд сўмдан ошдими, кейинги ойдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтасиз.  
Ҳисобварақ-фактураларни тўғри расмийлаштиринг!

## Солиқ солиш объекти нима



## Солиқ солинадиган база қандай аниқланади

**Солиқ солинадиган база** - реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати ([СК, 204-модда](#)).



**Диққат!** Товарлар (ишлар, хизматлар) кейинги матнларда товарлар деб юритилади.

## Солиқ солинадиган база айрим ҳолларда:

- товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинганда ёки текинга берилганда - товарларнинг таннархи ёки харид нархи;
- импорт қилинган товарлар бўйича товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлмаган қиймати;
- асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинганда - қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ.

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилишда солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси ҳам киритилади.



**Товарлар импорт қилинганда солиқ солинадиган база** товарларнинг божхона қиймати асосида унга товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ва божхона божларининг суммаларини қўшган ҳолда аниқланади (СК, 206-модда).

Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан импорт қилинган иш ва хизматларга ушбу хизматларни олувчисида солиқ солинади (СК, 207-модда).

Мазкур нормани қўллаш мақсадида, реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди бўлиши керак.

Солиқ солинадиган база ушбу ишлар, хизматларни олувчисида норезидент томонидан кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.



### **Имтиёзлар**

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208, 209, 210-моддалари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

## **Солиқ ставкалари**

Республикамызда қўшилган қиймат солиғининг амалдаги ставкалари:




## **ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси қачон қўлланилади**

- товарларни экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) (СК, 212-модда);
- чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (СК, 214-модда);
- "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга) (СК, 215-модда);
- халқаро ташишлар бўйича кўрсатиладиган хизматлар (Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юкларни ташиш, йўловчилар, багажлар ва юкларни ташиш) (СК, 216-модда);
- сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга (СК, 217-модда).

## Солиқни ҳисобга олиш

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда солиқ тўловчи ҳақиқатда олган ва ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга ([СК, 218-модда](#)).

### Бунда қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:



Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, ҚҚС воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.



**Экспортга жўнатилган товарлар бўйича ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси экспортёрнинг ҳисоб рақамига келиб тушган валюта маблағларининг жами экспорт ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.**

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ёки ҚҚСни ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайдан эътиборан товарларнинг қолдиқлари бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, товарларни экспортга реализация қилиш оборотлари бундан

мустанасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинганда, ҚҚСни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.



**Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК, 219-модда).**

Илгари ҳисобга олинган кўшилган қиймат солиғи қуйидаги ҳолларда ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши керак: ([СК, 220-модда](#))

- ҚҚСдан озод қилинган товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган товарлар бўйича;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалардан, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар;
- иссиқ сув таъминоти (ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда) ва марказий иситиш учун тасдиқланган истеъмол нормаларидан ортиқ миқдорда аҳолига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бўйича.

ҚҚС тўловчи солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига (ҚҚС тўламайдиганлар тоифасига) ўтганда илгари ҳисобга олинган товар-моддий захиралар қолдиқлари, шунингдек тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича ҳисобга олишга киритилган кўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритилади.

ҚҚС тўлаш бўйича имтиёз берилганлиги муносабати билан солиқ солинмайдиган оборотлар юзага келган солиқ тўловчиларга ҳам тузатиш киритишининг шунга ўхшаш тартиби татбиқ этилади.

Ҳисобга олинмайдиган кўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш шундай ҳоллар юзага келган солиқ даврида амалга оширилади.

Солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиган товарлар бўйича маҳсулот етказиб берувчиларга ва импорт бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) кўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди, балки ушбу товарларнинг қийматида ҳисобга олинади ([СК, 221-модда](#)).



**Демак, солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиган товарларни ҳарид қилиш пайтида ушбу товарлар қийматида мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳамда ушбу товарларнинг импорти бўйича бюджетга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмасдан ушбу товарларнинг таннархига киритилади.**



Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган ҚҚС суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма ҚҚС тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ёки мутаносиб усулда аниқланади.



Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда ҚҚС тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида фойдаланиш учун олинган товарлар юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

### ҚҚС қандай ҳисобланади

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича ҚҚС солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан Солиқ кодексининг [218-моддасига](#) мувофиқ ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

$$\text{ҚҚС}_{\text{Б.Т}} = \text{ҚҚС}_{\text{С.О}} - \text{ҚҚС}_{\text{Х.О}}$$

Бу ерда:

ҚҚС<sub>Б.Т</sub>- бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси;

ҚҚС<sub>С.О</sub>- солиққа тортиладиган оборотлар бўйича ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси;

ҚҚС<sub>х.о</sub>- ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси.

Товарларни импорт қилиш бўйича ҚҚС суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади ([СК, 224-модда](#)).

### ҚҚС ҳисоботи қайси муддатларда ва қандай тақдим этилади

ҚҚС ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан тақдим этилади ([СК, 225-226-моддалари](#)):

● Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан  
йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда

● Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар томонидан

ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда

Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, ҚҚСнинг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади.



**ҚҚС ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиш ва тўлашни унутманг. Микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига мансуб бўлсангиз ҳар чорақда, чорақдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан солиқ ҳисоботларини тақдим этишингиз ва тўловларни амалга оширишингиз лозим.**

Кичик бизнес субъектлари тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчилар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25- санасигача солиқ ҳисоботларини тақдим этиши ва тўлаши лозим.

# Ҳисобварақ-фактура қандай тўлдирилади

Ҳисобварақ-фактура қатъий ҳисобдаги ҳужжат ҳисобланади.

2018 йил " 05 " январ даги  
01 -сонли товар юклаб жўнатиш ҳужжатига  
2018 йил "11" январ даги  
03 -сонли

**ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси кўрсатилади

Ётказиб берувчи тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Ётказиб берувчи "XXXXX" МЧЖ  
Манзил Тошкент шаҳар  
Шайхонтоҳур тумани А.Қодирий кўчаси  
Телефон 71-213-12-13  
Ҳисоб-ялғоб ҳисобварақ рақами 20208000123456789001  
АТ Капитал Банк Бош офиси да  
Тошкент шаҳри  
Ётказиб берувчининг идентификация рақами (СТПР) 200000001  
ИФУТ буйича код 26200

Ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартномаларнинг рақами ва санаси кўрсатилади

Сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Сотиб олувчи "УУУУУУУ" ЖК  
Манзил Тошкент шаҳар  
Шайхонтоҳур тумани Абай кўчаси  
Телефон 71-213-12-14  
Ҳисоб-ялғоб ҳисобварақ рақами 20208000312645978001  
АТ Капитал Банк Бош офиси да  
Тошкент шаҳри  
Ётказиб берувчининг идентификация рақами (СТПР) 200000002  
ИФУТ буйича код 46510

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Ётказиб бериш қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Ётказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Компьютер	дона	2	2 500 000	5 000 000	Акциз солиғисиз	0	20%	1 000 000	6 000 000
<b>Жами тўлашга:</b>				<b>5 000 000</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>20%</b>	<b>1 000 000</b>	<b>6 000 000</b>

Реализация қилинган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатилган хизматлар номи турлари буйича алоҳида сатрларда кўрсатилади

Товар турларига хос ўлчов бирлиги кўрсатилади (кг, тн, дона, метр, м2...)

Ўлчов бирлигидан келиб чиқиб реализация қилинган товарлар миқдори

Шартнома бўйича ҚҚСни ҳисобга олманган ҳолда, ҚҚСни ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинган нархлар қўлланилган тақдирда эса, солиқ суммасини ҳисобга олган ҳолда товар ўлчов бирлигига тўғри келадиган нархи кўрсатилади

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)  
Товарни бердим \_\_\_\_\_  
(ётказиб берувчи масъул шахсининг имзоси)

Реализация қилинган товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматлар жами соғининг (ҳаққининг) акциз солиғи ва ҚҚСни қиймати кўрсатилади

Олдим \_\_\_\_\_  
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)  
20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_ -сонли ишончнома бўйича  
\_\_\_\_\_  
(Товар олувчининг Ф.И.О.)

Товарлар реализацияси, бажариладиган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг, акциз тўланадиган товарлар буйича акциз солиғини ва ҚҚСни қўшган ҳолда жами қиймати кўрсатилади. Акциз солиғи ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайдиган корхоналар 10-устуви

ҚҚС тўловчиси томонидан тўлдирилади. ҚҚС ставкаси ва суммаси кўрсатилади. ҚҚС тўловчиси бўлмаган товар ётказиб берувчилик ҚҚС кўрсатмайдилар ва "Қўшилган қиймат солиғи" штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар)

Акциз солиғи тўловчиси томонидан тўлдирилади. Акциз солиғи ставкаси ва суммаси кўрсатилади. Акциз солиғи тўловчиси бўлмаган товар ётказиб берувчилик акциз солиғини кўрсатмайдилар ва "Акциз солиғисиз" штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар)

Барча хўжалик юритувчи субъектлар товарларни олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт.

ҚҚС тўловчиси бўлмаган, шунингдек ҚҚС тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварақ-фактурада ҚҚС суммасини кўрсатмайдилар ҳамда "ҚҚСсиз" деган штамп босадилар (ёзиб қўядилар).



**ҚҚС тўловчиси эмасмисиз, ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотларни амалга оширмақдамисиз, ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштираётганда ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатманг.**

Ҳисобварақ-фактура товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санада ёзилади.



**Товарлар жўнатиш (берилган) кун, агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ҳисобланади.**





ҚҚС солинмайдиган товарларни реализация қилишда, шунингдек ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни реализация қилишда ҳисобварақ-фактураларда ҚҚС суммасининг акс эттирилганлиги Солиқ кодексининг *118-моддасига* асосан ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима қўллашга сабаб бўлади.